

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кетмони занглаган хонадонда барака бўлмайди



Она диёримизда яратувчанлик фасли – навбахорнинг хуш насимлари эса бошлади. Шу муаззам паллаларда табиат уйғониб, атрофга ўз гўзаллигини кўз-кўз қилади. Уйғониш фасли ҳар сафар бизга ҳаёт абадийлиги, яшамок саодатидан сабоқ беради.

Кўклам нафаси

Барчамизни боқайтган, тўдираётган саховатли она замин бағрига кўклам кўшининг тафти тегиши биланок ризқ-насибамиз нишонлари уна бошлайди. Бундай паллада ерга суқилган ҳар қандай ниҳол, экин-тикин бенуқсон кўкаради, баравж ривожланади. Шу сабабдан бугун бутун юртимиз бўйлаб хайрли ва эзгу мақсадни кўзлаб, томорқаларга экин экиш мавсуми ҳар қачонгидан барвақт бошланиб кетди.

– Чўп суқсанг, кўкарадиган еримиз бор, – дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг ўринбосари,

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Мактуба Миртурсунова. – Шундай экан, енг шимариб, бебаҳо ҳазина – томорқадан унумли фойдаланишимиз, буни кундалик турмушимизнинг энг муҳим ишига айлантиришимиз шарт! Бир парча еримиз бўлса ҳам, унга кўпроқ фойда келтирадиган, мўл ва харидорғир ҳосил берадиган экинлардан экайлик, токи, ёзининг чилласида ҳам оддий кўкат ё қалампир учун бозорга чопиш бизга асло ярашмайди.

Дарҳақиқат, эрта баҳор – ганимат меҳмондир. Ниҳол қадаш, уруғ сепиш ишлари узоғи билан ўттиз кундан ошмайди. Эрта эканимиз – улгурганимиз. Акси бўлса, қуруқ қўл билан қоламиз, олтинга тенг имконларни бой берамиз. Энг ёмони, ернинг умри зое кетади. Уволнинг эса жавоби бор!

(Давоми 3-саҳифада)

Қибрай туманидаги “Юқориюз” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги масъуллари, сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



“ЮҚОРИЮЗ”ГА ЮЗ БЎЛГАН БИНО

Мазкур бино хусусий шेरкичилик асосида қурилган бўлиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Қурилиш ишларига 230 млн. сўм маблағ сарфланган. Бу ерда ходимларнинг самарали фаолият олиб бориши учун барча қулайликлар яратилган. Хусусан,

йиғиб, гаплашишга қўйнарлик. Ҳатто, ўтган йили 3 марта жой алмаштиришимизга тўғри келди. Янги бионинг қурилиши билан маҳалламиз аҳлининг салкам 30 йиллик орузи ушалди. Шунингдек, тадбирда 30-“Янгиобод” сайлов округи



40 ўринли мажлислар зали, кутубхона, маҳалла раиси, мутахассислар ҳамда профилактика инспектори учун алоҳида хоналар шулар жумласидан.

— Маҳалламизда 250 та хонадон бўлиб, 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Аслиддин Қахрамонов. — Шу кунгача муқим жойимиз бўлмагани учун одамларни

гидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат Раҳматилла Шералиев сайловчилар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди. Учрашувда мазкур ҳудудда аҳолини қўйнаётган муаммолар тингланиб, назоратта олинди.

Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Шунингдек, тумanning Мирзо Улуғбек номи маҳалласида қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳам фойдаланишга топширилди.

Айтиш керакки, 1987 йилдан бери ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатувчи поликлиниканинг ўз биноси йўқ эди. Инвестиция дастури асосида қурилган мазкур шифо масканида эндиликда тез тиббий ёрдам бўлими ҳам иш бошлайди. Бунинг учун алоҳида хоналар ҳамда тез тиббий ёрдам машинаси ажратиш кўзда тутилган.

— Ҳозирга қадар аҳолига 17 нафар тиббиёт ходими хизмат кўрсатиб келар эди, — дейди поликлиника бўлим бошлиғи Олима Абдуғаниева. — Эндиликда терапевт, гинеколог, педиатр, хирург, стоматолог хизмати

ҳам йўлга қўйилди. — Ҳудуднинг 10 минг 200 нафар аҳолиси оддий шайхонлик билан касаллик варақаси очтириш учун ҳам бошқа филиал ёки туман марказига боришар эди, — дейди депутат Дониёр Юсупов. — Эндиликда қишлоқ оилавий поликлиникаси мақомида иш юритувчи мазкур тиббиёт масканида 7 ўринли кундузги стационар ҳам ташкил этилди. Келгусида поликлиникада замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда, тиббий хизмат сифатини янада ошириш мумкин.

Ўз мухбиримиз

Тошпўлат ҳофизнинг ҳиммати

К. САЛОМОВА,
Тошкент ҳақиқати

Эзгулик

Яқинда Оҳангарон тумани, “Қора балик” ҳудудидаги “Тошариқ” маҳалласи кичкинтойлари ажойиб совға олишди. Гап шундаки, шу воҳанинг фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ўз уйини болалар боғчаси учун берди.

“Бахтли болалик” деб номланган мазкур нодавлат мактабгача таълим ташкилотидан чиндан ҳам болалар ўзларини бахтли ҳис қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

— Боғчамиз ўзига хос мўъжазгина олам, — дейди муассаса мудираси Нозима Саидқулова. — Шу эртанамо оламда болалар ўзларини қўлай ва хавфсиз сезиши, маза қилиб ўйнаб, ўқиб, ўрганиши учун ходимларимиз билан барча керакли ишларни амалга ошираёпмизки, токи кичкинтойлар бу масканга қувонч билан катнасин. Асосий мақсадимиз эса фарзандларимизни мактабга ҳар томонлама пухта тайёрлаш.

Дарҳақиқат, муассасада болаларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ривожланиши учун кўп ишлар қилинди. Педагог-тарбиячилар болаларнинг дунёқараши ва савиясини ўстирувчи турли инновацион ўйинлар, расм чизиш, мусиқа, шунингдек, уларнинг манتيқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган машғулотларга катта аҳамият беришади. Боғча керакли барча жиҳозлар: болалар учун замонавий мебеллар, турли ўйинчоқлар, ўқув қуроллари билан таъминланган. Болалар кун давомида тўрт маҳал



овқатланишади. Таомнома қатъий тартиб асосида дармондориларга бойитилган ҳолда тузилади.

Маҳалла аҳли, айниқса, ота-оналар бу ажойиб боғча учун ҳомийлик қилган вилоят кенгаши депутати, машҳур хонанда Тошпўлат Маткаримовдан миннатдор.

— Сўнгги йилларда юртимизда жуда катта ўзгаришлар бўлаптики, бир ижодкор си-

фатида шу жараёнда қатнашиш, оз бўлсада, ўз ҳиссамини қўшиш иштиёқда эдим, — дейди “Қурама” фольклор-этнографик ансамбли бадий раҳбари Тошпўлат Маткаримов. — Мазкур ҳовли-жойнинг боғчага айлангани, ундан болаларнинг шўх-шодон кулгулари янграётганидан хурсандман.

Аброр ЭСОНОВ
олган сурат



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон бош вазирини қабул қилди

Ўзбекистонда тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этилади

Транспорт воситаларидан чиқинди ёки бошқа нарсаларни ташлаш жарима солишга сабаб бўлади

Юртимизда тўй ўтказиш тартибини бузганлик учун қанча жарима солиниши маълум бўлди

Тошкентда 28-29 февраль кунлари илк бор кўзи оғирлар учун спектакль намоиш қилинади

Урганчада Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида бизнес ҳамкорлик бўйича катта форум иш бошлади

Мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий машиналардан жарима ундиришнинг янги механизми жорий этилади

ТУПРОҒИМИЗ
“Ипак” гай,
ДАРОВАДИМИЗ
“Кенак” гай... ЧУНКИ...

БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ
Чиноз туманида “Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, ёпиқ ва очик майдонларда маҳсулот етиштириш” мавзуида семинар ўтказилди.

Маърифатга урилган ҚУРАФ

